

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ойбек Акрамович ХАКИМОВ

Магистр

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги

Университети

Тошкент, Ўзбекистон

12300oybek@gmail.com

Аннотация

Мақолада жамоат хавфсизлигини таъминловчи ҳарбий хизматчиларга пенсия тайинлашнинг ҳуқуқий асослари, пенсиянинг минимал миқдори ва уни такомиллаштириш тўғрисида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: жамоат хавфсизлиги, ижтимоий таъминот, пенсия ҳуқуқи, Қуролли Кучлар, ҳарбий хизматчилар, пенсия таъминоти.

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ПЕНСИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ, ОБЕСПЕЧИВАЮЩИХ ОБЩЕСТВЕННУЮ БЕЗОПАСНОСТЬ

Ойбек Акрамович ХАКИМОВ

магистр

Университет общественной безопасности

Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

12300oybek@gmail.com

Аннотация

В статье рассматриваются правовые основы пенсионного обеспечения военнослужащих, обеспечивающих общественную безопасность, минимальный размер пенсии и их совершенствования.

Ключевые слова: общественная безопасность, социальное обеспечение, право на пенсию, Вооруженные Силы, военнослужащие, пенсионное обеспечение.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сонли “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги Фармони [4] билан “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепцияси” ҳамда “2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси” тасдиқланди.

Мазкур Концепцияга мувофиқ жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар таркибига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар, Соғлиқни сақлаш, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кириши белгиланди.

Концепцияга мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа тегишли идораларнинг фаолияти “Барча саъй-ҳаракатларимиз инсон қадри учун” гоёси асосида янада кучайтирилиши белгиланди.

Ушбу фармон жамоат хавфсизлиги тушунчасига таъриф берган илк миллий қонунчилик ҳужжати бўлиб, унга кўра жамоат хавфсизлиги — жамиятнинг қонунга ҳилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати ҳисобланиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди, жамоат хавфсизлигини таъминлаш — давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб олувчи яхлит тизим деб кўрсатилган.

“2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси” мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича ҳуқуқий, услубий, илмий, ташкилий чораларни ишлаб чиқиш ва самарали амалга оширишни ўз ичига олган [6].

Стратегиянинг “Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий асосларини ривожлантириш” йўналишида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ходимларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясига доир имтиёزلардан фойдаланишида инсон омилини чеклайдиган автоматлаштирилган тизимни жорий этиш вазифаси белгиланган.

Бевосита жамоат хавфсизлигини таъминловчи органлардан бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар ва Ички ишлар вазирликлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг, қолаверса келгусида мудофаа ва бошқа ҳарбий тузилмалар ҳарбий хизматчиларининг ҳам ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини амалга ошириш бўйича адолат ва шаффофликни таъминлашда ҳамда коррупциянинг олдини олишда мазкур Стратегиянинг ўрни катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ушбу давлат органларининг ҳарбий хизматчилари нафақат мамлакатимиз жамоат хавфсизлигини таъминлашда, балки Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишда, ҳарбий можароларни жиловлаш ҳамда уларнинг олдини олишда, фавқулодда ҳолат режимини таъминлашда бевосита иштирок этадилар.

Ушбу вазифаларни сидқидилдан бажариш, қўйилган топшириқларни ишончли ва сифатли амалга оширилишини таъминлашда ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси (пул, кийим-кечак, турар жой, пенсия, тиббий ва б. таъминот турлари) алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти масаласи ҳақида сўз юритишдан аввал, Қуролли Кучлар ва ҳарбий хизматчиларга таъриф берадиган бўлсак, “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги қонуннинг [1] 17-моддасига кўра, Қуролли Кучлар давлат ҳарбий ташкилотининг ва мамлакат мудофаа тизимининг негизи бўлиб, ҳарбий можароларни жиловлаш ҳамда уларнинг олдини олиш,

шунингдек давлатнинг ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш учун мўлжалланган. Қуролли Кучлар таркибига Ўзбекистон Республикаси ички ишлар, мудофаа, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиясининг, бошқа вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг тегишли бошқарув органлари, қўшинлари, ҳарбий тузилмалари ва муассасалари киради.

Ҳарбий хизматчи эса чақирув ёки контракт бўйича оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажараётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчиларнинг (оила аъзоларининг) ижтимоий ҳимояси мамлакатимиз мудофаа ва хавфсизлигини таъминлайдиган ҳарбий бўлинмаларнинг юксак жанговар шайлиги ва жанговар самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига тиббий хизмат кўрсатиш, уларга сифатли даражада маиший шарт-шароитлар яратиш, ҳарбий кадрларни касбий ва ҳар томонлама тайёрлаш, имтиёзлар белгилаш каби ижтимоий ҳимоянинг таркибий қисми алоҳида эътиборни талаб этади. Бу масалаларнинг долзарблиги мамлакатимизда ва бутун дунёда ҳукм сураётган ҳозирги эпидемиологик шароитда, ҳарбий шифокорлар нафақат ҳарбийлар, балки тинч аҳоли учун ҳам ғамхўрлик кўрсатаётганида янада кескин намоён бўлмоқда.

Сўнгги йилларда миллий армиямизни замонавий турдаги қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, ҳарбий хизматчилар учун қулай ижтимоий, маиший ва бошқа шарт-шароитлар яратиш соҳаларига катта аҳамият берилмоқда.

Давлатлар ўзининг мудофаа ва хавфсизлик соҳасида Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг (оила аъзоларининг) ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганлигини кафолатламасдан туриб, кўзланган юқори натижаларга эришиши қийин, албатта. Пенсия таъминоти бу шахсларни пенсия шаклида

ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича давлат томонидан яратиладиган ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирлар тизими бўлиб, ижтимоий таъминот тизимининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида пенсия таъминоти масаласи ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, ривожланган давлатларнинг доимий диққат марказида турадиган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, ҳарбий хизмат бошқа меҳнат фаолияти турларидан давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг тинч ҳаёти ва ҳавфсизлигини ҳимоя қилишни ўзига касб қилиб танлаган шахсларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғига ҳавф-хатарларнинг мавжудлиги, шунингдек ҳарбий хизматнинг бошқа ўзига хос хусусиятлари билан ажраб туради.

Ш.К.Хамдамовнинг илмий қарашларига кўра, пенсиялар фуқароларга пенсия олиш ҳуқуқи юзага келганда унинг моддий аҳволидан қатъий назар тайинланади, нафақа эса шахснинг моддий муҳтожлигини ва ижтимоий ҳолатини инобатга олган ҳолда тайинланади ва тўланади [15].

Н.В.Тютюновнинг таъкидлашича, “ҳарбий пенсия”нинг аниқ таърифи қонунчиликда кўрсатилмаган бўлиб, уни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчиликда акс эттириш мақсадга мувофиқ. Ҳарбий пенсия икки томонлама хусусиятга эга, яъни йўқотилган даромадлар учун компенсация ҳамда ҳарбий хизматдаги қийинчиликлар ва йўқотишлар учун компенсация ҳисобланади [14].

Д.Н.Ермаков ва С.А.Хмелевскаяларнинг фикрича, ҳарбий пенсия нафақат йўқотилган иш ҳақи, балки ҳарбий хизматчининг соғлиғига (ҳаётига) етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш сифатида ҳам талқин қилиниши, ҳарбий пенсияни ҳисоблашда оғир иқлим шароитли ҳудудлардаги хизмат ҳам инобатга олинishi керак [8].

Ш.З.Давроновнинг фикрича, давлат пенсия таъминоти тизимида фуқароларнинг ихтиёрий иштирокини рағбатлантириш мақсадида пенсия ёшига етган, аммо зарур иш стажига эга бўлмаган фуқароларга давлат

пенсияларини ҳисоблашда етишмаётган стажнинг ҳар бир ойи учун Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бир марталик суғурта бадалларини тўлаш асосида иш стажини сотиб олиш амалиётини жорий этиш керак [7].

Бизнинг фикримизча, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш соҳасида хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб пенсиянинг минимал миқдорини белгилаш ва турмуш даражасига қараб ошириб бориш, пенсияни ҳисоблашда оғир иқлим шароитли ҳудудлардаги хизмат ҳам инобатга олиниши лозим.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистонда ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти масаласига тўхталадиган бўлсак, бу соҳада ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан бир қатор муаммоларимиз мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан бошлаб қарийб 30 йил давомида ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминотини тартибга солувчи алоҳида миллий қонунимизнинг йўқлиги қонунчилик тизимидаги “оқ доғ” бўлиб келмоқда.

Ўзбекистонда пенсия таъминотини тартибга солувчи “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги [2] Қонуннинг 5-моддасида ҳарбий хизматчиларни, ички ишлар органларининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахсларни, судьяларни ва прокуратура органларининг даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш шартлари, нормалари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши белгиланган бўлсада, ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти ҳозирги давргача собиқ Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг 1990 йил 28 апрелдаги қонунига [11] асосан амалга ошириб келинмоқда.

Мазкур қонун ҳужжатларига мувофиқ, заҳирага бўшатиш билан пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳарбий хизматчиларимизга бугунги кунгача хизмат йиллари учун пенсия ҳарбий хизматнинг умумий давомийлиги 20 йил

ва ундан ортиқ бўлганда – пул таъминотининг 40 фоизи миқдорида тайинланмоқда ва тўлаб келинмоқда. Бу, хориж тажрибасига юзланадиган бўлсак, кўплаб мамлакатларда ҳарбий хизматчиларга тайинланадиган минимал пенсия миқдоридан ҳам камлигидан далолат беради ва миллий қонунимизни ишлаб чиқишда буни инобатга олиш зарурати борлигини билдиради.

Жумладан, ривожланган мамлакатлардан АҚШда 20 йиллик ҳарбий хизматдан кейин нафақага чиққан ҳарбий хизматчиларнинг барча тоифалари асосий пул таъминотининг 50 фоизи миқдорида пенсия олиши, Франция Куролли Кучларида эса, камида 15 йил хизмат қилган шахслар пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши ва ҳарбий пенсиянинг миқдори асосий иш ҳақининг 60-80 фоизини ташкил қилиши белгиланган [16].

Россия Федерациясининг ҳарбий хизматчилар пенсия таъминотини тартибга солиш ҳақидаги қонунига [9] асосан ҳарбий хизматни ўтаган шахсларга хизмат йиллари учун пенсия ҳарбий хизматнинг умумий давомийлиги 20 йил ва ундан ортиқ бўлганда – пул таъминотининг 50 фоизи миқдорида пенсия тайинланиши белгиланган.

Украинанинг “Ҳарбий хизматдан бўшатиш ва бошқа айрим шахсларни пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунига [10] мувофиқ хизмат йиллари учун пенсия ҳарбий хизматнинг умумий давомийлиги 20 йил ва ундан ортиқ бўлган ҳарбий хизматчиларга – пул таъминотининг 50 фоизи миқдорида тайинланиши белгиланган.

Тожикистон Республикасининг “Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунида [12] ҳам хизмат йиллари учун пенсия ҳарбий хизматнинг умумий давомийлиги 25 йил ва ундан ортиқ бўлган ҳарбий хизматчиларга – пул таъминотининг 65 фоизи миқдорида тайинланиши белгиланган.

Шунингдек, Қирғизистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги “Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунида [13] хизмат йиллари учун пенсия ҳарбий хизматнинг умумий давомийлиги 20 йил

ва ундан ортиқ бўлган ҳарбий хизматчиларга – пул таъминотининг 55 фоизи миқдорида тайинланиши белгиланган.

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Парламентга Мурожаатномасида “пенсия таъминотини яхшилаш бўйича ҳам кўп ишлар қилишимиз лозим”лиги, “пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур”лигини [5] алоҳида таъкидлаб ўтди.

Мазкур мурожаатномадан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Ҳарбий хизматни ўтаган, ички ишлар органлари ва божхона органларида хизмат ўтаган шахслар ҳамда уларнинг оила аъзоларининг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси 2021 йилнинг март ойида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойланди [3].

Ушбу қонун лойиҳасида ҳарбий хизматни ўтаган, ички ишлар органлари ва божхона органларида хизмат ўтаган шахсларга хизмат ўтаган йиллари 20 ва ундан кўпни ташкил этганда пул таъминотига оид тегишли сумманинг 45 фоизи миқдорида пенсия тайинланиши назарда тутилган эди.

Шунингдек, умрининг асосий қисмини ва соғлигини ҳарбий хизматга бахшида қилган ҳарбий хизматчиларимиз ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, хусусан ҳарбий хизматининг умумий давомийлиги 20 йилга етмасдан ҳарбий хизматдан соғлиғи ҳолатига кўра пенсия ҳуқуқисиз (10 йилдан ортиқ хизмат қилиб 3-гурӯҳ ногирони деб топилган ёки топилмаган шахслар) захирага бўшатилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Натижада эса, бу ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари фуқаролик ҳаётига мослашиб токи турмуш кечириш учун етарли маошга эга зарур касбни топгунга қадар маълум вақт иқтисодий қийинчиликда яшашларига тўғри келмоқда. Мазкур ҳолатларда ватани учун хизмат қилган собиқ ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш (моддий жиҳатдан қўллаб-қўвватлаш) масаласи қонунчиликда кўзда тутилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, миллий қонунчилигимиздаги бўшлиқларни тўлдириш ва Қуролли Кучларимизнинг жанговар қудратини янада ошириш мақсадида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун мақбул турмуш шароитларини ҳамда адолатли ижтимоий кафолатларни яратиш йўлида қуйидагилар таклиф қилинади:

тажрибали олимлар ва мутахассислардан иборат таркибда “Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини илғор хорижий тажрибага мувофиқ ҳолда ишлаб чиқиш;

ҳарбий хизматнинг умумий давомийлиги 20 йил ва ундан ортиқ бўлган ҳарбий хизматчиларга – пул таъминотининг камида 50 фоизи миқдорида пенсия тайинланишини белгилаш;

ҳарбий хизматнинг умумий давомийлиги 20 йилга етмасдан ҳарбий хизматдан соғлиғи ҳолатига кўра заҳирага бўшатишган ҳарбий хизматчиларга етишмаётган хизмат йилини сотиб олиш амалиётини жорий этиш орқали пенсия тайинлашни ёки маълум бир муддат давомида кун кечиришнинг минимал нормасидан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам кўрсатиб туришни белгилаш.

Ушбу масалаларни ҳаётга жорий қилиниши нафақат миллатимизнинг ўзига хос инсонпарварлигидан далолат беради, балки халқаро майдонда намуна сифатида ҳам Ўзбекистон имиджига ижобий хисса қўшишига сабабчи бўлади.

Шунингдек, бу ислохотлар ўз навбатида Қуролли Кучларимиз томонидан давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини янада мустаҳкам ҳамда ишончли ҳимоя қилинишида, мамлакатимиз жамоат хавфсизлигини лозим даражада таъминланишида ҳарбий хизматнинг мотивациясини ошириб бораверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мудофаа доктринаси тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 09 январь ЎРҚ-458-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/3495885>

2. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 03 сентябрь 938-XII-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/112314>
3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Ҳарбий хизматни ўтаган, ички ишлар органлари ва божхона органларида хизмат ўтаган шахслар ҳамда уларнинг оила аъзоларининг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси <https://regulation.gov.uz/oz/d/29916>
4. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябр ПФ-27-сонли Фармони. <https://www.lex.uz/docs/5749291#5749456>
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 28 декабрь.
6. “2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси” <https://xs.uz/uzkr/post>
7. Давронов Ш.З. Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш: иқт.фан.бўйича (PhD) фалсафа доктори дисс. – Тошкент: Банк-молия академияси, 2019. – 103 б.
8. Ермаков Д.Н., Хмелевская С.А. Пенсионное обеспечение военнослужащих: проблемы и возможные решения. [Электронный ресурс]. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pensionnoe-obespechenie-voennosluzhaschih-problemy-i-vozmozhnye-resheniya>, с. 276
9. Закон РФ от 12 февраля 1993 года № 4468-I «О пенсионном обеспечении лиц, проходивших военную службу, службу в органах внутренних дел, Государственной противопожарной службе, органах по контролю за оборотом наркотических средств и психотропных веществ, учреждениях и органах уголовно-исполнительной системы, войсках национальной гвардии Российской Федерации, органах принудительного исполнения Российской Федерации, и их семей». <https://base.garant.ru/100257>

10. Закон Украины от 09 апреля 1992 года № 2262-П «О пенсионном обеспечении лиц, уволенных с военной службы и некоторых других лиц». <https://ips.ligazakon.net/document>
11. Закон СССР от 28 апреля 1990 года № 1467-I «О пенсионном обеспечении военнослужащих». <https://docs.cntd.ru/document/901700136>
12. Закон Республики Таджикистан от 01 декабря 1994 года № 1106 «О пенсионном обеспечении военнослужащих». <http://www.adlia.tj>
13. Закон Кыргызской Республики от 07 мая 1993 года № 1194-XII «О пенсионном обеспечении военнослужащих». <http://cbd.minjust.gov.kg>
14. Тютюнов Н.В. Сущность и специфика пенсионного обеспечения российских военнослужащих. [Электронный ресурс]. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/suschnost-i-spetsifika-pensionnogo-obespecheniya-rossiyskih-voennosluzhaschih>. 249 с.
15. Хамдамов Ш.К., Холиқов Х.В. “Пенсия” ва “нафақа” деференциацияси хусусида. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали, 2019. – №4. – Б. 9.
16. Сравнительный анализ пенсионного обеспечения военнослужащих по выслуге лет. <https://euroasia-science.ru/wp-content/uploads/2019/06/52-55-Ruzayeva-E.M.-Pohedina-E.V.>